

ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ КЛАСТЕР ЛОЙИХАСИНИ АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ж. Э. Усаров

ТВЧДПИ Педагогика факультети декани п.ф.д.

Н. Ж. Эшнаев

ТВЧДПИ Психолгия кафедраси доценти

Ш. Х. Кабилова

ТВЧДПИ Педагогика факультети, Дефектология йўналиши
1-курс магистранти

Аннотация: Педагогик инновацион таълим кластер ёндашувини амалиётга жорий этишнинг муаммо ва истиқболлари ҳамда уни самарали ташкил этиш юзасидан илмий мулоҳаза баён этилган бўлиб, рационал таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: Педагогика, таълим, ҳамкорлик, самарадорлик, стратегик, кластер, инновация, тизимлилик, ҳудудий, компетентлик, касбий малака, технология, шерикчилик, ОТМ, мактаб.

ПЕРСПЕКТИВЫ И ЭФФЕКТИВНОСТЬ КЛАСТЕРНОГО ПРОЕКТА ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ИННОВАЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ПРАКТИКЕ

Аннотация: Описаны научные проблемы и перспективы реализации кластерного подхода к педагогическому инновационному образованию и его эффективной организации, даны рациональные рекомендации.

Ключевые слова: педагогика, образование, партнерство, эффективность, стратегический, кластер, инновации, системный, региональный, компетентность, профессиональная квалификация, технология, партнерство, университет, школа.

PROSPECTS AND EFFICIENCY OF THE CLUSTER PROJECT OF PEDAGOGICAL INNOVATIVE EDUCATION IN PRACTICE

Abstract: The scientific problems and prospects for the implementation of the cluster approach to pedagogical innovative education and its effective organization are described, rational recommendations are given.

Keywords: pedagogy, education, partnership, efficiency, strategic, cluster, innovation, systemic, regional, competence, professional qualifications, technology, partnership, university, school.

XXI асрда илм-фан тенгсиз курашлар ва ўзаро зиддиятли назария ҳамда номутонос илмий гипотезалар негизида жадал ривожланиш одимлари таъсирида кечмоқда. Бу жараёнлар таълим соҳасида ҳам ўз таъсирини кўрсатиб қолмасдан, унинг сифат ва мазмунига ҳам дахилдорлигини намоён этиб, бу борада янгича изланиш ва инновацион методик ёндашувларни тақозо этади. Албатта бу жараён турли хил таълим тизимлари ўртасидаги рақобат муҳитини юзага келтириб, тизимли, ҳудудий, минтақавий ва глобал рақобатнинг асосий элементига айланди. Шунингдек, таълим технологияларини мувофиқлашган дастур асосида доимий янгилаб туришни, янгиликларни тезкор ўзлаштиришни, таълимда истиқболли лойиҳалар устида илмий изланиш олиб бориш ва динамик ўзгарувчан дунё талабларига монанд равишда ички ва ташқи меҳнат бозорига рақобатбардош кадрларни тайёрлашга мувофиқлаштириш ва кадрлар мобиллигини таъминлашга қаратилмоқда.

Бизнинг нуктаи назаримизча, бу борада қисқа ва узоқ муддатли замонавий ҳамда эртанги кун талаблари моҳиятини илмий гипотетик назарияларига асосан, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, таълим муассасалари фаоллигини педагогик инновацион таълим кластери доирасида ривожланиш стратегияси замонавий моделга асосланган бўлмоғи лозим.

Барчага маълумки, ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг инновацион турига ўтиш мавжуд бўлиб, бу олий маълумотли юқори компетентликка эга бўлган кадрларга бўлган эҳтиёжни оширади ҳамда турли ижтимоий параметрларнинг сифат ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатади. Ҳар бир сифат кўрсаткич негизида молиявий таъминот ҳам бўлиши табиий ҳол. Бунда албатта олий таълимни молиялаштириш манбалари таркибида ўзгаришлар юз бериши кузатилади. Бу борада тадқиқотчилар С.Мохначев ва Е.Мохначевалар олиб борган тадқиқот аҳамиятли бўлиб, уларнинг фикрича олий таълимни молиялаштириш давлат ажратадиган маблағлар улушининг пасайиши ва ОТМлар фаолиятини молиялаштиришга корпоратив харажатларни кўпайиши борасида илғор фикрларни илгари суради. Таълим тизими ва корпорациялар ихтисослаштирилган тузилмаларни (кластерлар, технопарклар, бизнес-инкубаторлар) шакллантириш учун барча имкониятларга эга бўлиб, уларнинг мақсади тадқиқот ва тажриба натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштиришдир[16].

Таълим муассасаларининг инновацион фаолиятида кластер ёндашувининг қўлланилиши бир қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлиб, жумладан тадқиқотчи Т.И.Шамова кластерни хужайра деб тушунади ва таълим, иқтисод ҳамда бошқалар соҳалар рақобатдошлигини таъминлаб берувчи, устунликларга эришиш йўналишида манфаатдор томонларни саъй-ҳаракатларини бирлаштиришнинг ташкилий шакли деб эътироф этади[17]. Тадқиқотчи Л.Беспалова эса кластер - бу бир нечта тенг қисмлардан ташкил топган, ўзбошимчалик билан ишлаётган компонентлар ишдан чиққан тақдирда ўзининг тўлиқ функционал самарадорлигини сақлайдиган тузилма деб ҳисоблайди[10]. Ушбу ҳар икки нуқтаи назар мазмун ва илмий-амалий жиҳатдан бир тушунчани англатишини тушуниш мумкин, яъни мақсадли самарадорлик ҳамда натижага эришиш омилидир. "Кластер" атамасига эътибор қаратадиган бўлсак, бу тушунча илк бир иқтисодиёт кенг қўлланилган бўлиб, маълум бир ҳудудда маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ишлаб чиқариш корхоналари гуруҳини истеъмолчилар ва етказиб берувчилар занжири тамойилини комплекс манфаатли қамровини ўз ичига олгандир.

Бизга маълумки, иқтисодиётда кластер назариясининг асосчиси Майкл Портер кластерни шакллантириш механизмини бир-бирини рақобатбардошлиги ўсишига ўзаро ёрдам берадиган, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган тармоқ фирмаларининг ҳамжамияти сифатида тавсифлайди. Шунингдек, давлат иқтисодиёти, ички бозор барқарорлиги ва ўсиш нуқтаси ролини белгилаб берди деган тушунча асосида моҳиятини тушунтирига ҳаракат қилган.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларида дастлаб рақобатбардошлик муаммоларини ўрганишда қўлланилган кластер ёндашуви вақт ўтиши жараёнида ўзининг амалий самарадорлиги билан бир қанча муаммоларни ҳал қилишда, хусусан, инновацияларни рағбатлантириш учун асос сифатида намоён бўла бошлади. Тадқиқотчи Л.Беспалова ташкилот ва корхонанинг кластер шакли инновацияларни махсус шакли - "йиғма инновацион маҳсулот" яратилишига олиб келади, деб ҳисоблайди[10].

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб таҳлил этадиган бўлсак кластер - бу мажмуа бўлиб, унинг асосий фаолият кўрсатаётган объект ва субъектлари базавий корхона, таълим муассасалари ва ота-оналардан иборат ижтимоий институтлардир. Ушбу масалани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таҳлил этадиган бўлсак таъкидлаш мумкинки, ОТМ, коллеж, техникум ва касб – ҳунар мактабларида таълим олувчи ўз ихтисослиги билан фақат амалий

машғулотлар давомида танишиши мумкин. Аммо республика бюджетидан кўшимча амалиёт учун молиялаштиришнинг моддий базаси назарда тутилмаган, қолаверса тўлиқ таъминлай олмайди. Ушбу масалани оптимал ечими сифатида кластер доирасида таълим олувчини амалий билим ва кўникмалари ҳамда касбий компетентлигини ошириш учун ишлаб чиқариш (амалий жараён)нинг ҳақиқий шароитларига максимал даражада яқинлаштириш учун давлат, таълим муассасаси ва корхона - келажакда иш берувчи ўз мақсадли манфаатдорлик доирасида ҳамкорлик масалалари юзасидан фаолиятлар бирлигини уйғунлаштириши лозим.

Бунинг натижасида таълим муассасалари ўқув жараёни таянч корхоналар билан мувофиқлаштирилади ҳамда илмий, таълим ва кадрлар салоҳиятини сақлаб қоладиган касб-ҳунар таълими муассасалари тармоғини қайта қуриш бўйича энг мақбул кластер варианты комплекслари яратилди. Турли даражадаги касб-ҳунар таълими муассасалари, тармоқ вазирликлари ва идоралари, корхоналарини бирлаштирган ўқув кластери мавжуд муаммо ва ечимини кутиб ётган масалаларни самарали ҳал қилишга имкон беради:

-биринчидан, кадрлар тайёрлаш таркибини оптималлаштириш, ўзаро ҳамкорлик ва манфаатли янгича ёндашувни юзага келтиради;

-иккинчидан, таълим сифатини ошириш учун лозим бўлган ҳамкорликда янги фан ўқув дастурларининг янги авлодини яратиш имкониятини таъминлайди;

-учинчидан, битта комплекс доирасида турли даражадаги янги авлод касбий таълим тизими яратилиб, дуал мобилизацион касбларнинг замонавий қиёфаси шаклланади ҳамда ҳар қандай беқарор ижтимоий-иқтисодий ўзгаришга барқарор мослашувчанлиги ортади;

-тўртинчидан, республика иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасининг етакчи тармоқларини инновацион ривожлантиришни илмий қўллаб-қувватлаш салоҳияти юксалади;

-бешинчидан, жамиятдаги ноёб қобилият ва интеллектларни юзага чиқаришнинг кафолатли тизими юзага келиб, барча соҳни иқтидорли кадрлар билан таъминлаш механизми ишга тушади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда республикада турли даражадаги таълим муассасаларини ассоциатив асосда бирлаштирган аграр кластерлар самарали фаолият кўрсатаётган бўлса, педагогик соҳада тажриба тадқиқот ишлари ва илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Педагогик ОТМларда таълим тизими мазмуни, таълим фаолияти билан тўлдирилиб, тизимли бошқариладиган тармоқ, дастурлар билан тартибга

солинадиган таълим жараёни, таълим мазмунини ташувчилар ва ўқитувчининг мотивацион ёндашув уйғунлиги таълим мақсадларига эришишда барқарор инфратузилмани юзага келтиради.

Бу жараён учта даражада амалга оширилади:

- ОТМ ва масъул бўлган касб-хунар (коллеж, техникум) таълим муассасаларининг тизимли ва муниципал (маҳаллий ҳокимият) даражадаги умумий ўрта таълим ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг манфаатли ҳаморлиги доирасида;

- ўзаро яқин алоқада бўлган компания (етказиб берувчилар, ишлаб чиқарувчилар ва бошқалар) ва тегишли ташкилотлар (таълим муассасалари, давлат органлари, инфратузилма хизматлари)нинг бир системали механизми уйғунлиги доирасидаги манфаатдорликда;

- самарадорли ва истикболли лойиҳаларни мужассамлаштирган кластер техник ва технологик ютуқларни режалаштириш ҳамда янги “истъеъмолчи ва бозор уяларини”, “эҳтиёжи юқори бўлган талаб ва таклиф” муҳитини яратиш учун фаолиятни бирлаштириш, мақсадлар мувофиқлигини таъминлаш заруратини мавжудлиги негизида.

Албатта, кластер механизмини ўзида акс эттирган бу жараён маълум соҳалар ўртасида анланган фаолият сифатида ўзини намоён этгандагина илмий – амалий интеграцияларни тақозо этади. Кластернинг ўзига хос хусусиятлари интеграцияни тармоқ шакли юзасидан намоён бўлишлиги ҳақидаги илмий-назарий қарашларни тадқиқотчи С.Мохначев ва Е.Мохначевалар томонидан ўрганилган бўлиб, улар қуйидагиларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайдилар:

- кластерга киритилган мавзулар географик жойлашуви билан боғланган бўлиши лозимлиги;

- кластер тузилишининг асосини бирлаштирувчи ядро ролини ўйнайдиган йирик саноат корхонаси ташкил этилганлиги;

- кластер фаолиятининг хусусиятларидан қатъи назар, асосий жиҳатлар билан боғлиқ бўлган (хизмат кўрсатиш соҳалари, хизмат кўрсатувчи фирмалар, илмий-тадқиқот институтлари, ОТМлар, бозор воситачилари ва бошқалар) барча корхона ва муассасаларни ўз ичига олганлиги [16].

Бизнинг нуктаи назаримизча, бугунги кунда педагогик инновацион таълим кластер стратегияси ОТМ, коллеж, техникум, касб-хунар мактаблари, умумий таълим мактаб ва МТМ таълими тизимида сезиларли ўзгаришларни талаб қилади. Сабаби бу давлат ва жамият иқтисодиётининг ўзига хос эҳтиёжларига ва унинг йўналишига мос келади.

Педагогик инновацион таълим кластерини муваффақиятли ривожлантиришнинг муҳим омили, давлат дастурида ифодаланган барқарор ривожланиш стратегиясининг мавжудлиги бўлиб, унинг манфаатларини амалга ошириш учун барча соҳалар, жумладан, бизнес, ҳокимият, консалтинг, маркетинг, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, ўзини-ўзи бошқариш ва молия ташкилотлари, таълим муассасалари, маданият муассасалари ва бошқалар манфаатли мақсад атрофида бирлашади.

Педагогик инновацион таълим кластерини ташкил қилиш учун иштирокчилар ўртасида бир-бирига нисбатан юқори ишонч талаб этилади. Таълим кластернинг инновацион ривожланиш дастурини асосий ғояси маълум ҳудудда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун тўлиқ фойдаланиш керак бўлган билим ресурслари мақсадли йўналтиришни тақозо этади. Дастурнинг хусусият ўзаро манфаатдорлик ва самарадорлик механизмига асосланганлигига боғлиқ. Мисол учун, республикамизнинг баъзи вилоят ва туманлар муҳим табиий ресурсларга эга эмас, унинг географик ҳолати хорижий инвестицион лойиҳаларни жорий этишга имкон бермайди. Бундай вазиятда ҳудуднинг ижтимоий ҳолати ва иқтисодий барқарорлиги фақат билимга асосланган бўлиши мумкин. Бунда албатта таълим муассасаларини, хусусий компанияларни, давлат органларини, давлат-хусусий шериклигини, нодавлат ташкилотларни, ўзини-ўзи бошқариш органларини ягона тизимга бирлаштириш учун манфаатли лойиҳалар зарур. Бу жараён кластер доирасида амалга оширилади ва манфаатларни уйғунлигини таъминлайди. Шу нуктаи назардан, кластер - бу инновацион мафкура асосида шаклланган ягона иқтисодий, ижтимоий ва таълим макони десак муболаға бўлмайди. Педагогик таълим кластери доирасидаги илмий фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб ОТМларнинг кластердаги роли инновацион “маҳсулот” ишлаб чиқариш ва уни меҳнат бозори рақобатбардошлигини таъминлашдан иборатдир. Инновацион “маҳсулот” деганда, талаб ва таклифни тақозо этадиган меҳнат бозори ва иқтисодиёт “тили” билан айтганда, биз ишлаб чиқарадиган асосий “маҳсулот” – бу ОТМни битирган кадр ва маълум бир касбни эгаллаган мутахассис тушунилади.

Бугунги кун ва эртанги истиқболда меҳнат бозорида ушбу “маҳсулотни” истеъмолчиларга таклиф ва тавсия этиш, уларни бандлигини таъминлаш таълим кластер доирасидаги ўзаро алоқалардан иборат. ОТМлар “маҳсулотлари”нинг харидор ва истеъмолчилари республикамизда фаолият олиб бораётган давлат ва нодавлат ташкилоталардир. Шундан келиб чиқиб,

таълим кластери доирасида фундаментал илмий тадқиқот ишларни олиб бориш давр талаби эканлигини барчамиз англашимиз, қолаверса фаолиятимизни шунга мувофиқлаштиришимиз зарур.

Тадқиқотчи О.Е.Яворский таълим кластерини - тармоқ ва корхоналари билан шериклик асосида бирлаштирилган ўзаро боғлиқ бўлган ОТМ ва касб-хунар таълими муассасалари мажмуи эканлигини таъкидлаб, унинг муҳим ўзига хос хусусиятлари - бу турли даражадаги касб-хунар таълими даражасига эга мутахассисларни шакллантириш учун шароит яратиш, юқори малакали кадр ва касблар обрўсини кўтариш ҳамда таълимни ишлаб чиқариш билан бирлаштириш [18] сифатида қарайди.

Хулоса қиладиган бўлсак педагогик инновацион таълим кластерини шакллантириш қуйидаги афзалликларга эга бўлишга имкон беради:

- сифат ва самарадорликка эга бўлган ягона таълим маконини яратиш;
- билим ва тафаккур ҳамда касб-хунар таълимини саноат корхоналари билан бирлаштириш;
- манзилли ва ҳудудий тизим ҳамда тармоқ доирасидаги интеграция орқали янги синергетик сифатни яратиш;
- мутахассисларни ўқитиш вақтини қисқартириш ва тайёрлаш харажатларини камайтириш;
- таълим сифатини ошириш ва кадрлар рақобатбардошлигини таъминлаш.

Юқоридаги фикрлар ва хулосаларимизни умумлаштириган ҳолда педагогик инновацион таълим кластер лойиҳасини амалиётда қўллаш истиқболлари ва самарадорлиги юзасидан қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

- ижтимоий шериклик асосида инновацион педагогик таълим кластерининг (ОТМ, коллеж, техникум, касб-хунар мактаблари, умумий ўрта таълим мактаби, МТМ кесимида) ривожланиш стратегиясини замонавий қиёфасини шакллантириш ва амалга оширишни комплекс механизминини яратиш;
- инновацион педагогик таълим кластерининг асосий вазифаси сифатида ҳудудий таълим муассасалари ва саноат корхоналари ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли ҳамда манфаатдорли лойиҳалар доирасида фаолиятини уйғунлаштириш;
- шерикчилик технологиясидан фойдаланган ҳолда ОТМ ва мактаб ўқув кластер лойиҳаларини стратегиясини белгилаш;

- юқори потенциалда инновацион педагогик таълим кластерини амалга ошириш учун ҳудудий, минтақавий ва халқаро доирада ҳамкор ташкилотлар билан истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва шартномалар тузиш;

-манзилли ва ҳудудий таълим кластери доирасида таълимнинг интеграциясини ахборот технологиялари имкониятларидан келиб чиқиб истиқболли ишланмаларни ривожлантириш, ўзлаштириш ва илмий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда таълим фаолияти учун ўсиш нуқтасини яратиш.

REFERENCES

1. Arjen Vos. East European Qualifications Frameworks Lead Reforms in Education. // Education and science. 2014. № 6. P. 149-157.
2. Enright M. J. Why Clusters are the Way to Win the Game? // Word Link. 1992. № 5. P. 24-25.
3. Maratov Temur Gayrat ugli (2019) Scientific theoretical problems of perfect human category in the psychology. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 7(8). 16-22.
4. NJ Eshnaev, TG‘ Maratov, G Mirzaraximova. (2020). O‘zbek milliy kino san’ati va madaniyatida psixoprofilaktik xizmat tizimini joriy etish masalalari. Oriental Art and Culture 03. 156-165.
5. Nortoji Jumaevich Eshnaev. (2021). Ma’naviy-axloqiy muammolarni ilmiy tadqiq etishning o‘ziga xos jihatlari. ACADEMIC research in educational sciences. vol.2, no. 2. p. 364-369.
6. Regional Clusters in Europe. Observatory of European SMEs. Luxembourg: Office for Official Publications of the European Communities. 2002. № 3. P. 15.
7. Rosenfeld S. A. Bringing Business Clusters into the Mainstream of Economic Development // European Planning Studies. 1997. № 5. P. 3-23.
8. Usarov Jabbor Eshbekovich, Eshnayev Nortoji Jumayevich, and Haydarova Surayyo Abdusalomovna. . (2020) “Defects in scientific research of the problems of spiritual and moral crisis and its solution”, IEJRD - International Multidisciplinary Journal, vol. 5, no. 8, p. 6.
9. Usarov Jabbor Eshbekovich, Eshnayev Nortoji Jumayevich, and Kodirov Ikrom Davronovich. (2020) “Problems of formation of learning motives in pupils”, IEJRD - International Multidisciplinary Journal, vol. 5, no. 8, p. 6,
10. Беспалова Л. Что Такое Кластер? URL: [http: // siok. rightside. Ru / siok / 2009-12-01-06-24-41](http://siok.rightside.Ru/siok/2009-12-01-06-24-41).

11. Давыдова Н. Н., Синякова М. Г., Фоменко С. Л. Тенденции развития социального партнерства в условиях сетевой кластерной интеграции // Педагогический журнал Башкортостана. 2014. № 5. С. 36-46.
12. Золотарева Н. М. Развитие системы подготовки кадров для инновационной экономики России // Образование и наука. 2014. № 5. С. 14-21.
13. Игошев Б. М., Давыдова Н. Н., Симонова А. А., Фоменко С. Л. Образовательный кластер как системообразующий компонент региональной модели непрерывного педагогического образования // Педагогическое образование в России. 2014. № 10. С. 72-77.
14. Корпоративное управление инновационным развитием : монография / под ред. Ю. П. Анискина. М. : Омега-Л, 2007.
15. Мокроносов А. Г., Вершинин А. А. Формирование модели опережающего развития кадрового потенциала территории // Образование и наука. 2014. № 8. С. 19-28.
16. Мохначев С., Мохначева Е. Удмуртская Республика: кластеризация и ее влияние на региональный рынок труда и профессиональное образование. URL: <http://chelt.ru/2010/5-10/mohna4ev.5-10.html>.
17. Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем // Взаимодействия образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: Материалы 10 Международного образовательного форума (Белгород. 24–26 окт. 2006 г.): в 2 ч. / БелГУ, МПГУ, МАНПО; отв. ред. Т.М. Давыденко, Т.И. Шамова. Белгород: Издательство БелГУ, 2006. Ч.1. С. 24–29.
18. Яворский О.Е. Образовательный кластер как форма социального партнерства техникума и предприятий газовой отрасли: автореф. дис. ... канд. пед. наук. Казань, 2008. 21 с.